Ўзбекистон Республикаси БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАН ҲОКИМИ Қ А Р О Р И		O'zbekiston Respublikasi BUXORO VILOYATI OLOT TUMAN HOKIMI Q A R O R I

2020 йил "12" март **Олот туман** **174-сон**

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон; 16.02.2019 й., 09/19/136/2623-сон) мувофиқ туманда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2020 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Туман ички ишлар бўлими (Р.Нозиров) белгиланган тартибда ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган, юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги белгиланганлиги, 2021 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик

субъектлари — юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари) одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда;

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъий назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъий назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

5. Мазкур қарорнинг 4-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилсин.

6. Транспорт воситалари ДЙҲХХ органлари томонидан техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган миқдорларда йиғим ундирилади.

Техник кўрик ўтказилганлиги учун йиғим суммаси тегишли маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

Тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларни белгилашда ва

ундиришда вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган тарифларга қатъий амал қилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтказилиши назарда тутилсин;

8. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 1-иловага, техник кўрикни ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия раиси (Қ.Ҳамдамов)га:

оммавий ахборот воситаларида транспорт воситаларининг барча эгаларига, автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи ташкилотларга мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини етказишга қаратилган кенг тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил этиш;

юридик шахсларга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юбориш;

техник кўрикни ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидан бирида ўтказиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш;

техник кўрикдан ўтказишда техник жиҳатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

10. Техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

11. Туман ички ишлар бўлими (Р.Нозиров) мажбурий техник кўрик якуни тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот тақдим этсин.

12. Мазкур қарор "Олот ҳаёти" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

13. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 27-февралдаги № 377-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

15. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Каримов зиммасига, ижросини таъминлаш туман ички ишлар бўлими бошлиғи Р.Нозиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Нематова**

ISH YURITISH BO'LIMASI

Туман ҳокимининг 2020 йил 12 мартдаги
174-сонли карорига 1-илова

Техник кўрикни ўтказиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ

Қ.Ҳамдамов	Олот туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори, комиссия раиси

Аъзолари

А.Расулов	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Олот туман бўлими бошлиғи
З.Аллоқов	Олот тумани Маҳалла хайрия жамоат фонди раиси
Ў.Хончаев	Олот туман Автомотоҳаваскорлар шўъба жамияти бошлиги
М.Холмуродов	Олот туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи
Ш.Ҳамроев	Ўзавтодарётранс агентлиги Бухоро вилояти бўлими инспектори

изоҳ: Транспорт воситаларини текширишга тегишли мутахассисликка эга бўлган ёки диагностика қилиш технологияси, диагностика жиҳозларининг тузилиши ва ишлаш принциплари, диагностика воситаларини қўллаган ҳолда техник ҳолатни текшириш методлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларни ўрганган шахслар жалб қилиниши мумкин.

Олот туман ИИБ ЙХХГ
катта инспектори **Қ.Ҳамдамов**